

48 (1199)-сон 3 декабрь 2014 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Тўти ЮСУПОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:
ҲАЁТ — МЕНИНГ УСТОЗИМ!



4



**БИР УЙДАГИ
БЕГОНАЛАР**

6

**ЭРКАЛАШ —
ТАРБИЯЛАШ ЭМАС-КУ!**



8

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси.

Халқимиз дастурхони йилнинг тўрт фаслида ҳам тўкин-сочин



Индекс — 176

“Оила ва жамият” газетаси — мустақиллик тенгдоши, 23 йилки, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз кўнглига маънавият ёғдуларини баҳоли кудрат улашиб келаётган оммабоп нашрлардан бири.

Муҳтарам юртдошлар!
Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.
Обуна индекси — 176



ҲИКМАТ

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатиш.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

Жисмоний имконияти чекланган, яъни ногирон инсонлар ҳақида айримларимиз: “боқиманда”, “касаллиги, жисмоний нуқсонли пеш қилиб, моддий ёрдам сўраб юради”, деб ўйлаймиз. Аммо жисмоний имконияти чекланган кишилар орасида бошқаларга оғирлиги тушмаслигини, соғлом инсонлардек меҳнат қилиб, ризқ топишни, касб-кори, хунари билан ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга фойдаси тегишини истайдиган ва шу йўлда умид билан ҳаракат қилаётганлар кўпчиликини ташкил этади.

Тошкент шаҳар “Меҳрибонлик” ижтимоий ўзаро ёрдам жамияти 1989 йилда ташкил этилган бўлиб, айна пайтда шаҳарнинг барча туманларида унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Унга жисмоний имконияти чекланган инсонлар аъзо бўлиб, бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

— Ҳар ҳафта якшанба кунини жамиятга йиғилиб, дийдорлашамиз, — дейди “Меҳрибонлик” ижтимоий ўзаро ёрдам жамиятининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Нодирахон Тиллаева. — Жамият қошида “Ёшлар маркази”ни ташкил қилганмиз. Бу ерда жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўзаро танишиб, дўстлашадилар. Маънавий-маърифий тадбирлар, байрам тантаналарини уюштирамиз. Юртимиздаги ўзгаришлар, ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва имтиёзлар ҳақида суҳбатлашамиз. Шу ерда танишиб, бир-бирига кўнгил қўйиб, оила кураётган ёшларимиз ҳам бор. Кўп ҳолларда одамлар ногирон кизларни келин қилишни истамайди. Қайноналарга елиб-югуриб хизмат қиладиган, қўл-оёғи чаққон, пазанда-чевар келин керак. Аммо ногирон кизларнинг ҳаммаси ҳам тақдиринан норози бўлиб, ётавермайди. Ҳаёт давом этапти. Йигит-кизларимиз, катталаримиз ҳам имконияти даражасида ҳаракат қилишяпти. Ҳатто соғлом одамлар эпловмаган ишларни қойиллатиб бажараётган

САХОВАТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ



ногиронлар бор. Уларни санасам, вақт етмайди.

Нодирахон шундай дея бизни бир гуруҳ кизлар гаплашиб, кулишиб ўтирган хонага бошлади. Шахноза Ўрмонова, Шахло Ирматова, Саодат Султонова, Дилобар Усмонова, Саодат Сейсуллина, Дилфуза Усмонова, Муҳаббат Пулатова, Наргиза Кодирова, Зухра Саломова, Дилором Нормухаммедова, Наима Аҳмаджонова, Дилфуза Тошкенбоева, Гулноза Саидовалар ўзлари тайёрлаган пиширик, салат ва таомларнинг тайёрланиш жараёни ҳақида суҳбатлашаётган экан. Кизлар тайёрлаган ширинликлар, салат ва таомлардан биз ҳам баҳраманд бўлдик.

— Одам тафтини одам

кўтаради, деган гап рост экан, — дейди Нодирахон. — Бир пайтлар тенгқурларим орасида ногиронлигимдан ийманардим. Мактабда ҳатто устимдан кулиб, дилимни

билан ўша цехни излаб бордик. Зухра опа бизни олик қарши олди ва ўша кунлик ишга қабул қилиндим. Бошида тугма қадовчи бўлиб ишлаганман. Цехда ишлаш орқали мен кўп нарсага эришдим. Аввало, одамлар билан мулоқотда бўлишни, муоамла-муносабатни, ногиронлик менинг айбим ёки нуқсоним эмас, Яратганнинг менга аталган тақдирим эканини англадим. Ногирон бўлсам-да, жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканимни, мен ҳам ҳамма қатори яшашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳақли эканимни тушундим. Шукр, ҳозир аввалги руҳий тушкунликдан халос бўлганман. Ҳаётни, одамларни, Ватанимни севаман. Муаммоларга қарши курашиш билан инсон ҳаёт майдонида тобланар экан...

“Меҳрибонлик” ижтимоий ўзаро ёрдам жамияти раиси Райхон Нурмухаммедова ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Саховатли инсонлар кўмаги билан тил ўрганиш курсларини мунтазам ўтказиб боришга ҳаракат қиламиз. Кўп ҳолларда ўқитувчилар кўнгилли равишда инглиз тили, компьютер курсларини ўргатишади. Жамиятимиз аъзолари орасида компьютер, интернетни яхши ўзлаштирган, веб-сайтлар яратадиган ёшлар бор.

Шу ўринда жамиятимизга хомийлик ёрдамлари билан яқиндан кўмак бериб келаётган юртдошларимиз, саховатли, бағрикенг ҳамшахарларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Оллоҳга шукрки, юртимизда эзгу ниятли, саховатли инсонлар кўп. Зеро, яхшиликнинг, саховатнинг катта-кичиги бўлмайди.

Рухсона ФАРРУХ.

Бугун Халқаро ногиронлар кунини

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МУҚАДДАС ҲУҚУҚИЙ ҚЎРҒОН

22 йилки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, демократик ислохотлар ва янгиланишларнинг мустақам ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилмоқда. Қомусимизда халқаро миқёсда эътироф этилган бешта асосий тамойил алоҳида белгилаб қўйилган. Бу тамойиллар фуқароларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамиятни бошқариш ишларида қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти органларининг сайловлар асосида шакллантирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши каби шаклларда намоён бўлади. Конституция-мизда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, шунингдек, унда инсон кадри, шахс эркинлиги ва ҳаётини таъминловчи табиий имкониятларнинг юзага келишига алоҳида эътибор берилган. Унда шахсининг ёши, миллати, irqи, ижтимоий аҳоли билан боғлиқ ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Асосий Қонунда инсоннинг кундалик ҳаётидаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар — яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи, фикрлаш, эътиқод ва сўз эркинлиги, виждон эркинликлари кафолатланган. Бугун, чин маънода Қомусимиз ҳар бир фуқаро қалбан ва вужудан эъзозловчи муқаддас ҳуқуқий кадриятга, умид, ишонч ва эзгу-ниятлар қўрғонига айланган. Унда халқимизнинг олий мақсади, иродаси ўзининг мухтастар ва теран ифодасини топган.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим саналардан бири Конституция-миз қабул қилинганлигини шунинг 22 йиллиги арафасида шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, вақт ўтган сари ушбу муҳим ҳужжат ўз нуфузини, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини мустақамлаб бормоқда. Бизнинг мақсадимиз эса унинг жамиятдаги нуфузи ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини фуқароларнинг онг-идрокига чуқурроқ сингдиришидир.

Азиза ҚОБИЛЖОНОВА,
Оқдарё туман ФХД
бўлими мудири.

ҲУШЁРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

“Ўт билан ўйнашма”, “Ўт балосидан асрасин” каби халқона иборалар замирида катта мазмун-маъно бор. Афсуски, буни ҳамма ҳам ўз вақтида англаб етавермайди. Ёнгининг олдини олиш чора-тадбирлари борасида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда огоҳликка чорловчи мақолалар бериб борилаётган бўлса-да, баъзан айрим кимсаларнинг бефарқлиги боис ёнгинлар содир бўлмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолини ва давлат мулкни ўт балосидан асраш билан бирга, кенг жамоатчилиқни ушбу тадбирда фаоллигини оширишдан иборатдир.

«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси ҳам мазкур ойликда фаол иштирок этмоқда. Бирламчи ёнгинга қарши воситалар таъмирланиб, шай ҳолатга келтирилган. Метрополитенда янги иш бошланган ёш ходимларга ёнгин хавфсизлиги бўйича дарслар ўтилмоқда, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Жойларда ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Буларнинг бари ёнгин хавфининг олдини олиш учун қўрилаётган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Ҳамюртларимиз ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари, ёнгин хавфсизлиги ойлигидагина эмас, ҳар доим ҳушёр бўлсалар, турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлишининг олдини олинади. Шу ўринда бир нарсани унутмаслигимиз керак, ёнгинларнинг олдини олиш учун нафақат мутасадди ташкилотлар, балки ҳар биримиз масъулмиз. Уй-жойларимиз, ишхонамизда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, электр энергияси ва газдан эҳтиёткорлик билан фойдалансак, давлат мулкни ҳам, уй-жойимиз ва ўзимизни ҳам ўт балосидан ҳимоя қилган бўламиз.

Камолитдин ШОМАХМЕДОВ,
Тошкент Метрополитенини кўриқлаш бўйича
ИИБ ЁХБ катта инспектори.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Маълумки, одамлар орасида “тилсиз ёв” дея аталган ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлади. Оддий ҳолатлардан тортиб, мураккаб вазиятларгача ҳаммаси бепарволик, эҳтиётсизлик, ўзбошимчилик каби сабаблар ортидан қанча азият чекайди. Энг даҳшатлиси, баъзи ҳолларда инсон ҳаётига зомин бўлаётган воқеалар ҳам учраб турибди.

Яширмайлик, баъзан ўйимизга ёки иш жойимизга ёнгин хавфсизлиги хизмат ходимлари ўзларига бириктирилган масъулиятли вазифани адо этиш мақсадида кириб келишса, бирор хатолик ёки камчилик аниқланса, ҳар хил баҳоналарни тўқишга тушамиз. Ҳатто ўзимизча уларнинг ишига нописандлик билан ҳам қараймиз. Бундай муносабат бир кун келиб ўзимиз учун ниҳоятда қимматга тушиши мумкинлигини англамаймиз. Шунинг учун ҳар қандай вазиятда ҳам ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш ва тарғибот ишларида яқиндан кўмак бериш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Раҳматилла ИСМАТИЛЛАЕВ,
14-ХҲХК, 9-ХҲХАП
кичик инспектори, сафдор.

Қадимий ва навқирон Бухорои Шариф сафарига отларканмиз, кўнгилни ёруғ туйғулар нурафшон қилади. Ҳар гишти ҳикмат, ҳар тоши илм, кўҳна бинолари асрлар силсиласи, тарих воқеаларидан гувоҳлик берувчи гўзал Бухоро заминига тезроқ етишни истаб, бесаранжом бўлади киши.

Текис ва равон йўлнинг икки томонида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қад ростлаган. Савдо дўконлари, маиший хизмат мажмуалари, тиббий масканлар аҳолининг узоғини яқин, мушкулени осон қилаётгани, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси бугун шаҳарликларникидан қолишмаётгани яққол кўзга ташланади. Буларни билиш учун қишлоқларни кезиш, одамлар билан бирма-бир гаплашишга шошилманг. Негаки, ҳар бир юртдошимизнинг юз-кўзларидан бугунги озод ва обод турмушдан мамнун ва хушнудлигини сезиш қийин эмас.

— Истиклол даврида яшаётган ва камол топаётган хотин-қизларнинг маънавий киёфаси, дунёқарашини ҳам кескин ўзгарган, — дейди мулоқотни давом эттириб Зулфия Туйева. — Бугуннинг аёли нафақат сеvimли ёр, бахтиёр она, пазанда, эпли келин, меҳрибон, ғамхўр киз, балки мамлакатимизда юз бераётган улкан ижтимоий ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси ҳам. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бизнинг вилоятимиз хотин-қизлари учун ҳам истиқлол йиллари ҳақиқий маънода юксалиш даври бўлди. Бухоро аёллари юрт равнақи йўлида меҳнат қилиш билан бирга, оилада тинчлик, осойишталик, меҳр-муҳаббат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этишмоқда. Аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳар жабҳасида ўзига хос ютуқларга эришаётгани фикримизга яққол исботдир.

Мухтарам Президентимизнинг қарорлари ҳамда Давлат дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хотин-қизлар саломатлигини янада яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида вилоятда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда соғлом оила қуриш, соғлом фарзандлар туғилиши ва тарбиясини таъминлаш масалалари бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда ташкил этилган бешта сектор иши жуда яхши самара бермоқда. Ма-

БУНЁДКОР, ИШБИЛАРМОН, ОҚИЛА

каби ўнлаб фазилатлар соҳибаси бўлган бухоролик хотин-қизлар фаолиятига назар

— *Истиқлол йилларида мухтарам Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида тўтган ўрнини янада муштахкамлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, жамиятдаги ижтимоий фаолигини, маънавий-маданий ҳаётдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулфия ТУЙЕВА. — Бугуннинг аёллари фақат уй-рўзғор ишлари, маиший муаммолар билан андармон бўлибгина қолмасдан, эл-юрт ташвиши, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда. Фарзандларимиз хоржий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юрталарида таҳсил олмақда. Иқтидорли қизларимиз Зулфияхоним ворислари деган нуфузли номга муносиб бўлмоқ учун тиймай изланишмоқда. Ўғил-қизларимиз орасидан қатор спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, республика ва халқаро фан олимпиадалари совриндорлари етишиб чиқмоқда. Буларнинг бари кўнгилни турур ва ифтихорга тўлдирди.*



ҳаллалар ва таълим муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғрак ва давраларида қизларни мустақил ҳаётга ва оилага тайёрлаш, соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни кенг тарғиб қилиш мақсадида қизлар ва уларнинг оналари билан суҳбатлар, шунингдек, "Тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида тadbирлар амалга ошириляпти.

Мақтабгача таълим муассасаларида ташкил этилган "Зумрадойлар давраси" тadbирларида иштирок этсангиз, чақноқ кўзли қизчаларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги саҳна кўринишлари, савол-жавоблари кўнгилгизга завқ беради.

Қизларни спортга янада кенгрок жалб этиш мақсадида таникли спортчилар — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Замиражон Санақулова, бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Дарья Свечникова, гимнастикачи спорт усталари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Хусниябону Фулмова, Моҳинур Намозова ва Сарвина Холиқовалар билан ўтказилган учрашувлар кўмитамизда катта таассурот ва қизиқиш уйғотмоқда.

Қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига қўмаклашиш мақсадида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ғиждудон туманидаги Абдуҳолик Ғиждудоний маҳалласи ҳудудида фаолият бошлаган «Ғиждудончевартекс» ҳамда «Ғиждудонталабатикувчилари»

корхоналарида бу борада кўпчилиқка ибрат бўлгулик ишлар амалга оширилди ва юз нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди. Бу каби хайрли ишлар самараси ўларок, ўтган ўқув йилида коллежларни тамомлаган 13293 нафар битирувчи қизнинг 12 минг нафарга яқини иш билан таъминланди.

Қизлар ўртасида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 2014 йилнинг ўн ойи давомида 564 нафар битирувчи қизга 4,1 млрд. сўм кредит ажратилиб, уларга тadbиркорлик, касаначилик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди.

— "Тadbиркор аёл" вилоят уюшмасига икки мингга яқин тadbиркор, касаначи ва фермер аёл аъзо бўлган, — дейди мазкур уюшма раиси Дилбар Аҳмедова. — Мамлакат Тошова, Хушвақт Жўраева, Маҳфуза Салимова, Зулхумор Қулиева, Гулшод Шодиева ва Замира Жўраева каби фаол тadbиркор хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уюшма ташаббуси билан вилоятда касб-хунар маркази ташкил этилиб, айни пайтда унда тикувчилик, сартарошлик, пазандалик ва турли пиширилган тadbиркорлик фаолиятини кўрсатмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар, юздан зиёд тadbиркор аёл ўз фаолиятини кенгайтириш ва тақомиллаштириш мақсадида кредит олишга муваффақ бўлди.

Астойдил меҳнат қилиб, юртва обрў-эътибор ва шараф топаётган, азму шижоа-

ти билан эркакларни-да лол қолдираётган тadbиркорлик аёлларнинг эртанги кунга ишончан, ҳозиргиданда юксак марраларни забт этиш истаги кўнгилга шодмонлик бағишлайди. Улар жонажон Ўзбекистонимиз, кўҳна ва навқирон Бухоро замини фарзанди эканлигидан фахрландади. Бизни хурсанд қилган яна бир нарсаси шу бўлдики, қаерда икки тadbиркор, фермер, ўқитувчи ё шифокор аёл учрашиб, гаплашиб қолса, гап айланиб, намуналик лойиҳалар асосида қурилган қишлоқ уйларига тақалади.

— Жуда ажойиб экан-да, бу уйлар, Президентимизга мингдан минг раҳмат, қишқунлари худди кўп қаватли уйлардагидек ошхона, ҳаммом, хожатхонаси ичкарида, совуқда қийналмайсиз. Ўзда эса мўъжазгина ҳовлисида бемалол экин-тикин қиласиз, тандир қуриб нон ёпишга ҳам шароит бор, — дейди тadbиркор-қулол, шоира Замира Жўраева.

— Уйингизга жуда хавасим келди, мен ҳам тезроқ шунақа коттеждардан бирини оламан, опа, — дейди унга хавас билан уста-зардўз Шоира Соибова.

Ҳа, чиндан ҳам, бугунги кун ўзбек аёли қўлга киритаётган ютуқлар кўзни қувнатади, кўнгилни хавасга тўлдирди. Аммо фақат ютуқлардан қувониб-ҳаволаниб юриш ярамайди. Аксинча, ҳар биримиз Ватан, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшамоғимиз, муваффақиятларимиз сонини қўпайтириш, фаол аёллар сафини янада кенгайтиришимиз даркор. Бунинг учун юртимизда яратилган шарт-шароитлар бизга қанот бўлади.

**Умида АДIZОВА,
журналист,
Бухоро вилояти.**

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

НАФОСАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Республика гимнастика федерацияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Гимнастика барча учун" анъанавий мусобақаси ташкил этилди.

Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактабида бўлиб ўтган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 160 нафардан зиёд иштирокчи ғолиблик учун баҳслашди. Тadbирнинг тантанали қисмида эса пойтахтимиздаги ташаббускор аёллар томонидан тузилган "Эъозли аёллар" ҳамда "Соғлом назар" жамоалари, Олмазор туманидаги 1-Муруват уйи болалари, Кимё технология лицейи ўқувчилари ўзларининг нафис жисмоний машқлари ва гимнастрада рақслари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарли.

Наманган вилоятининг "Фантазия" жамоаси биринчи, Навоий вилоятининг "Қизилқум гавҳари" жамоаси иккинчи, Самарқанд вилоятининг "Самарқанд юлдузи" жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган жамоалар, мусобақа ташкилотчилари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" жамоат фонди, "Камолот" ЁИХ, ЮНИСЕФ, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Сен ёлғиз эмассан" республика болалар жамоатчилик фонди, "Тасвирий ойна" уюшмаси ҳамкорлигида Абдулла Авлоний номидаги мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика марказида ташкил этилган "Ўзбекистонда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш борасидаги ислохотлар: ютуқ ва муаммолар" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур тadbирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Мадина
АЛЛАБЕРГАНОВА.**

Бир нечта миллий телесериаллар, кинофильм ва театр сахнасидаги бетакрор роллари билан томошабинни ҳам куддириб, ҳам йиглатадиган, ёшу қарининг кўнглидан бирдай жой олган атоқли санъаткор, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Тўтихон ая Юсупова Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Тўти ЮСУПОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ҲАЁТ — МЕНИНГ УСТОЗИМ!

— Тўти опа, кўп йиллардан буён театр сахнасида ижод қилиб келаясиз. Катталарнинг айтишича, сизлар санъатга кириб келган даврда қизлар истеъдоди кўллаб-қувватланмаган, айниқса, санъат йўлини тутганлар кўп қийинчиликларга дуч келишган экан. Бу жараён сизда қандай кечган?

— Бизнинг ёшлигимиз билан ҳозирги кунларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Биз чиндан ҳам оғир кунларни бошдан кечирганмиз. Отам урушга кетиши олдиндан онамга: «Шу қизимни, албатта, ўқитгин, унинг зехни баланд», деган эканлар. Она мени Самарқанд шаҳридаги хотин-қизлар билим юртига олиб борган. У ерда таҳсил олаётиб, бир кунни Ҳамид Олимжон номи театрга тушдим. Томошадан жуда таъсирланиб, бир қанча вақт ўзимга кела олмадим. Ҳаловатим йўқолди. Уйдагиларга сездирмай, ўқини ташлаб, айрим спектаклларда эпизодик ролларга қатнашиб юрдим. Кейинчалик билиб қолишиб, роса койишган. «Қишлоқ қизи санъаткор бўлармиди?» дейишди. Санъатни яхши кўрганам учун барча маломат ва тўсқинликларга чидадим, Тошкентга келиб ўқи, ишладим, оила курдим. Шу соҳада хизмат қилиб, кам бўлмадим. Аста-секин ҳаммаси изига тушиб кетди. Бугун қишлоғимиздан чиққан энг машхур аёлман. Биринчи бўлиб олий маълумотга эга бўлган аёл ҳам ўзим.

— Санъаткор аёلнинг муваффақиятлари замирида, энг аввало, оиласининг, турмуш ўртоғининг далдаси, кўллаб-қувватлаши муҳим ўрин тутаети, шундай эмасми?

— Курсдошим Мирғиёс Соатов билан талабалик пайтларимиз бир-биримизга кўнгли кўйиб, турмуш қурдик. Тўйимиз қаҳратон қишда, диплом спектаклини топириганимиздан сўнг, бир кун ўтиб бўлган. Бир қиз, икки ўғил ўстирдик. Турмушимизда қийинчиликларга ҳам дуч келдик, кўп хурсандчиликлар ҳам бўлди. Аммо кескайганимизда тақдирни қарангки, икки ўғлим, келинимдан айрилиб қолдик. Бундай кўргуликларга чидаш осон кечмади. Шукрки, невараларимнинг ҳаммаси олий ўқув юрларида ўқишпти, эл-юртга, жамиятга керакли инсонлар бўлиб улғайишпти.

— Инсон ўз кадр-қимматини қандай пайтларда ҳис этади?

— Икки марта инфаркт



бўлдим. Шифохонада кўзимни очсам, Самарқанддан етиб келган синглим, жиянларим бошимда туришибди. Қишнинг қаҳратон совуғига қарамай, етиб келишгани менга анча далда бўлди. Оғир операцияни бошдан ўтказдим. Эсимда, ўша кезлар яқинларим, театр жамоаси, муҳлисларим мени ёлғизлатиб қўйишмади. Бир кунда икки-уч марта ҳолаҳвол сўраб, мендан хабар олганлар. Инсонимиз-да, меҳр-муҳаббат, эътибор ва самимиятга тўймайди киши. Бетоблигимда жонлантириш бўлимининг эшиги тагида соатлаб, кунлаб термилиб турган яқинларим, ҳамкасбларим, шогирдларим меҳнатларим исзиз кетмаганини англапти. Кувондим, фахрландим! Балки, санъаткор бўлмаганимда бундай ҳурмат-эътиборга эришмасмидим?!

— Санъатнинг нонини қаттиқ дейишадими? Сизнингча, бунинг сабаби нимада?

— Жуда топиб айтилган гап-да. Аслида, енгил-елпи топиладиган нон ҳеч қачон татимайди. Ҳамма соҳада шундай. Тўғри, бизнинг соҳамиз мураккаброқ, Оллоҳ юқтирмаска қийин. Театримизда устоз-шогирдлик аънаси бардавом. Истеъдодли ёшларимизни ҳаммиса фахр билан эътироф этамиз. Лекин ҳозир ақсарият ёш актёр-актрисаларимиз тўйларга чиқишни одат қилиб, театр сахнасини иккинчи даражага тушириб қўйишди. Ана шу нарса юракка оғрик беради. Бизнинг ёшлик йилларимизда актёрларнинг тўйга чиқиши жуда катта айб саналарди. Бирортаси бориб, табрик учун тўрт қатор шеър ўқиса ҳам, эртасигаёқ кўпчилик ўртасида бу иш муҳокамага қўйиларди. Биз ёшлигимизда саҳна санъатининг улғу дарғалари ўғитини, панд-насихатини қулогимизга қўйиб олгандик. Бизга, энг аввало, санъатни пулга сотиб бўлмайди, деган ўғит қатъий уқтирилганди. Шу ўғит таъсирида театрни муқаддас, сах-

нани муқаррам билганмиз.

— Театр ва томошабин ўртасидаги риштаннинг мустаҳкамлиги актёр маҳоратига ҳам боғлиқ. Сизнингча, актёрни ҳақиқий санъаткор мақомига олиб чиқадиган омиллар нимада?

— Бугунги кун томошабини ниҳоятда талабчан, улар кегаги томошабин эмас. Мулоҳазали, диди баланд ва ҳар қандай саҳна асарининг савиясини ажрата олади. Шунчаки роль ўйнаётган актёр билан талқин қилаётган образига киришиб кетган, саҳнада актёр эмас, ўша образ сиймосида яшайдиган санъаткорни жуда яхши фаҳмлайди. Шунинг учун «Тезроқ ролимни ўйнасам-да, фалон тўйга борсам», деб юзаки роль ўйнайдиган актёр тез фурсатда халқ назаридан қолади. Санъаткор учун, умуман, инсон учун эл назаридан қолишдан оғирроқ жазо бўлмайди, агар билсангиз.

Актёрдан талаб қилинадиган асосий нарса бу — саҳна масъулияти. Бундай жавобгарликни ҳис қилмаган, уни бажармаган актёр ҳақиқий санъаткор мақомига эриша омайди. Ёшлигимизда спектаклга тайёргарлик соат 10.00 да бошланса, соат 9.00, жуда кечкиб қолсақ, 9.30 да театрда бўлардик. Ҳайрадан ролимизга мос кийиниб, матнларни яна бир қўздан кечирардик. Умуман олганда, биз учун энг муҳими театр ва, албатта, саҳна эди.

Саҳна, театр, санъат ўзига нисбатан бепасандлик, хиёнатни кечирмайди. Ҳозиргача ҳар гапимизда Аброр Ҳидоятлов, Замира Ҳидоятлова, Шукур Бурхонов, Марям Ёқубова, Раззоқ Ҳамроев каби кўплаб улғу устозларимизни тилга оламиз. Чунки уларнинг санъатга қўйган пойдевори мустаҳкам эди. Уларнинг саҳнага ҳар бир чиқиши элга ибрат, дарс, сабоқ бўларди. Устоз санъаткорлар томошабинга севимли ота, она, ака, опа, сингли сиймосида кўринарди.лар. Узоққа бормайлик, Зай-

Гурунг

наб Садриева 80 ёшида «Келинлар кўзғолони» да Фармонбинини ўйнаган. Устознинг бир одати бор эди, саҳнада ўзи ўйнаётган ролга хос бирор хатти-ҳаракат кўнглидагидек чиқмаса: «Ҳаҳ, хали сан мандан чиқмайсанми?! Кўрсатиб қўяман санга, худди хоҳлаганимдай бўлма-чи!» деб ўзини ўзи койирди. Сотти ролини ижро этаётганимда икки кўзим Зайнаб опада бўларди. Улардан ўзимга ёққан жihatларини ўргандим, ўзлаштирдим. Киши шогирдликни, ўрганишни ҳам билиши керак.

— Оилада соғлом муҳит ва илик муносабатларни тутиб туриш ҳам катта санъат, бу борада ёшларга қандай ўғитларингиз бор?

— Бугун айримлар кизини бой-бадавлат жойларга уза-тиш, ўғлига тагли-туғли, бой-рок жойлардан қиз олишни гўё бахтли бўлиш омили деб билишади. Тушунмайдики, бахт бойликда, бойлик бахтда эмас. Ажралишлар, қўйди-чикди моҳаролари, «Фель-атворимиз тўғри келмади», «Қайнонам молпарасти», «Эрим ҳеч қаерда ишламайди» каби баҳона ва важдар билан оиласини пароканда қилаётганларни кўриб, юрагимда оғриқ симиллайди. Оила — муқаддас даргоҳ. Унга бепасандлик қилинса, бу жуда қимматли тушади. Чунки оиланинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нима билан боса олмайдди. Турмуш ўртоғим иккимиз оила муқаддаслигини ҳеч қачон унутмадик. Мен актрисаман, аёлман, оилани боқиб эркак кишининг вазифаси, деб фақат актрисалик билан чекланиб қолмадим. Театр, кино, дубляждан ортган вақтимда чеварлик қилиб, пул топардим, рўзғорга қарашардим. Эр-хотин бирдай оила масъулиятини ҳис қилиши керак.

— Ҳаётингизни сарҳисоб этганда, кўпроқ нима-лар ҳақида ўйлайсиз?

— Босиб ўтган умр йўлимдан, ҳаётимдан, тақдиримдан миннатдорман. Йўқотганда сабр, топганда шукр қилишни ўргандим. Ҳаёт беминат устоз, деганлари рост экан. Театрга келсам дардларимни, қайғуларимни, жисимдаги, қалбимдаги оғриқларни унутаман. Шу даргоҳнинг, жамоам, яқинларимнинг бориға беҳисоб шукр. Шу кунларда театримиз жамоаси қўшалоқ қувонччи нишонламоқда, дессам муболаға бўлмайди. Куни кеча Мухтарам Президентимиз Фармонига кўра, нафақат мен, балки театримизнинг кўплаб ижодкорлари юксак ордени мукофотлар билан сийландилар. Устозларимиз мана шундай кунларни орзу қилишган эди. Бугун меҳнат қилган, эл-юрт қорига қамарбаста бўлиб, мақсад сари интилган одам эътибору эътирофга эришмоқда. Шундай кунларга етганимиз учун шукр!

Умида ТУРСУН қизи
сўхбатлашди.



КАТЕГОРИЯ — тилимизга юнон тилидан кириб келган бу сўзнинг туб илдизи ўзгача маънога эга. Ҳозирги вақтда «категория» сўзи нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари ҳамда муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи ва даража мазмунини ифодалади.

Қизиги шундаки, «категория» сўзи асли «айб-лаш», «таъна қилиш» деган маънони англатган.

Жўмард — аслида бу сўз «жувонмард» сўзи билан бир хил маънога эга бўлиб, олижаноб, мард киши, ботир, довжорак, олийҳиммат маъноларини англатади.

— Сиз Фарҳодга ўзингизга ишонгандай ишонаверинг. Мен унинг етти пуштини биламан. Жўмардлик унга ота-боболаридан ўтган.

Журналдан

ИРҚ — кишиларнинг кўз, соч ва тери ранги, юзбош тусулиши ва шу каби наслий белгилари бир хил бўлган, тарихан шаклландган ҳар бир гуруҳи тилимизда «ирқ» сўзи билан ифодаланади. Бу сўзнинг туб илдизи «қон томирлари», «илдиз», «зот» деган маъноларни англатади. Шунингдек, тилимизда кишининг юзи ва ёноғи ҳам баъзан «ирқ» сўзи билан ифодаланиши кузатилади.

Бунда бор қанча ирқ ва қанча миллат.

Эркин Воҳидов

Аваз қараса, Оққиз дуруст қизга ўхшайди, ирқи олмадай пишган, зулфлари белига тушган.

«Балогардон»
достонидан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни 8 декабрь — миллий давлатчилигимизнинг қонуний асоси, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга 22 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади!

8 декабрь



Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириклар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МУЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Хурматли Дилбар БЕГМАТОВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Оиламизни, қариндошларни бахтига соғ-омон бўлинг, барча орзу ниятларингизга етишиб юринг.



Оила аъзоларингиз номидан
Алишер, Сарвар, Нигора.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан 25.12.2013 йилда Божок Павел Вячеславович номига берилган №005462-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бу оилага ҳаммининг ҳаваси келарди. Уч қизини чиқариб, ёлғиз ўғлини ҳам уйлантиришганига бир йил бўлувди. Яқинда қишлоқда миш-миш тарқалди: Хотамбойнинг аёли ажрашиш учун судга ариза берибди...

— Шу ҳудудда кўп ёшларнинг бошини қовуштириш ниятида совчи бўлганман, — дея ҳикоя қилади етмиш ёшли қоралаб қолган Одилжон ака. — Шу Хотамбойнинг отаси Курбон тоғамиз, ҳеч эсимдан чиқмайди, бундан роппа-роса 25 йил аввал: “Одилжон, сени кўпчилик хурмат қилади, обрўйинг бор, биласан, катта ўғлимнинг армиядан келганига олти ой бўлди, энди уйлантириш керак. Турмон аканинг Мастура деган ҳамшира қизиди кўнгли борга ўхшайди. Шунга оғиз солсақ, нима дейсан?” деб қолди. Бу ёғи элчилик, шу пайтгача ҳам ҳеч ким билан сен-менга бормаганман, кўлимдан келгунича яхшилик қилиб юрибман, бир одамнинг сазаси ўлмасин, деб уч кундан кейин совчиликка бордим.

Турмон акани яхши танийман, бир умр тракторчилик қилиб кун кечирган. Аёли ҳам саришталли, кайвонисфат. Хуллас, қиз томон: «Ўзаро маслаҳатлашиб олайлик, икки кундан кейин жавобини айтмиш», дейишди. Ниҳоят, бир ойдан кейин қиройли тўй қилиб, келин-куёвга бахт тиладик. Менинг елкамга чопон ёпишди...

— Мен Хотамбой билан тенгдошман, фақат кўшни қишлоқда ўсганман. Уни ёшлигидан яхши билардим. Ичимдагини топ дейдиган, писмиқроқ бола эди, — дейди Комил ака. — Давраларга ҳам кам кўшиллар, арзимаган баҳонада ўртоқлари билан гап талашиб қоларди. Лекин ишига пухта эди, оиласи ҳам тинч, ўзига тўқ эди. Шунча йил яшаган эр-хотиннинг орасига қутилмаганда совқчилик тушганига ҳаммамиз хайронмиз. Айб кимдалигини излаб тополмаймиз...

Бор гап шу, қизларини келин қилган қуда-андалар ҳам ҳайрон. Энг ёмони, яқиндагина қизларини Хотамбойнинг ўғлига берган Карим ака ҳам бу гапни эшитиб, бошини ушлаб қолди. Қишлоқни биласиз, бировнинг уйда сал қаттиқроқ овоз эшитилса борми, шу ондаёқ ғийбат

болалади.

Авзойи бузилиб, кириб келган Мастура бир парча хатни олдига ташлагач, шошилмай хижжалаб ўқиб чиққач оқсоқол:

— Тушунмадим, синглим, бир этак неваралари бор эр-хотин, сизларни қайси жин урди, қўйинглар-э. Уят бўлади, эшитган қулоққа ёмон, ўзим эртага гаплашаман эрингиз билан, — деди-да, эшикка қараб юрди.

Мастура оқсоқолнинг йўлини тўсди:

— Боймурод ака, бўлар иш бўлган, сиз ҳал қилмасангиз, эртага судга бораман, ажрашаман, тамом-вассалом!

Шунча нотинч оилаларни муросага келтирган, қирқ йилча катта бир хўжаликни бошқарган раис бу аёлнинг қатъий

Воқеа

бургага аччиқ қилманглар, бу ёғи элликдан ошган одамсизлар ахир, ҳамма уйдаям жанжал бўлади”, дея ётиги билан тушунтира бошлаган эдим, у гапимни бўлди: “Ака, сизни ўзимнинг яқин жигаримдай, отамдай хурмат қиламан, майли, сиз нима десангиз, шу бўлади. Агар яраш десангиз, ярашаман, фақат менинг гапимни эшитинг. Шу одам билан 25 йил бирга яшаб, тўрт фарзандни умид билан ўстирдик, қизларим, кўз тегмасин, бахтли-тахтли, ўғлим ҳам яхши оилага куёв бўлди, деб юрган жойимда эрим... ўз оиласи билан тинчгина яшаб юрган туғишган укаси-дан рашқ қилиб, мени ҳақорат қилди! Нима эмиш, мен ундан ҳомиладор эмишман, Одил ака, ким деган одам бўлдим шу ёшга кириб? Ишонасизми, ҳатто ўтган ҳафта дўхтиргаям бориб келдик бирга. Утган кунни укаси уйимизга келувди, нима қилай, чи-долмадим,

БИР УЙДАГИ БЕГОНАЛАР

ҳамма гапни айтдим. Ака-ука ёқалашиб кетишди. Хўш, қайси ақли бутун эркак эллика кирган аёлига укасини ўйнаш қилади?!

Мастуранинг зор қақшаб, йиглаб айтган бу гапларини эшитиб қотиб қолдим. Қудасининг эса боши эгилди. Маслаҳатчи опа ҳам миқ этолмади. Мен чидолмадим:

— Мастура, синглим, узр, бу гаплардан беҳабар эканман, мен ўрталарингга тушолмайман.

Бу воқеанинг содир бўлганига ҳали бир йил ҳам тўлмади. Эр-хотин бир ҳовлида, алоҳида хоналарда, дастурхонлари бўлак яшашяпти. Шаҳарда ишлаётган ўғил ҳам аросатда. Қизлари эса оналаридан тез-тез хабар олиб туришса-да, оталари билан деярли салом-алиқдан нарига ўтишмайди. Хотамбой бўлса “Матиз”да эрталаб чиқиб кетганча ярим тунда қайтади. Кўчада қорин тўйдирди. Маҳалла-қўйга ҳам аралашмай қўйган.

Гумон — иймандан айиради, деганлари балки шудир? Сиз нима дейсиз, муҳтарам газет-хон?

Озод КАРВОНЛИ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАММИ?

қолди. Нима қиларини билмай, бироз ўйлашиб ўтирди-да, кейин ўртоғига кўнгирак қилди. Масаланинг ечими топилди. Аммо ўша кундан сўнг болакай энг муҳим маслаҳатларни она-насида эмас, ташқаридан — ўртоқларидан сўрашга одатланди...

Бугунги кунда оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида гап борар экан, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик мустаҳкам эканига

этибор қаратишимиз керак. Афсуски, айрим хонадонларда ота-ўғил, она ва қиз, ота ва она муносабатлари ҳавас қиларли эмас. Тўғри, улар ўртасида жанжал ва келишмовчиликлар содир бўлмайётганидир, аммо ўзаро ришталарни мустаҳкам деб ҳам бўлмайди. Она ўзини безовта қилаётган муаммоларни оила бошлиғи билан эмас, “Гап”даги дугоналари билан бўлишади, ота иш ва чойхона-

УЙИНГИЗДА ФАРЗАНД ЎСАЯПТИ

Фарзанди туғилгач, гўдак исини туйган ҳар бир онанинг юрагида меҳр булоғи кўз очади. Миттивойни киприги устида тутгандай, асраб-авайлаб парваришлай бошлайди. Боланинг милқини ёриб чиққан илк тиши, биринчи қадами ва дастлабки сўзи ота-оналарга унутилмас завқ бағишлайди.

Янги тишлар

Миттивойлар ўн ойлик бўлганида юқори ва пастки курак тишлари кўрина бошлайди. Бу пайтда ҳатто тўртта юқори тиши ҳам ёриб чиқиши мумкин. Агар шу пайтгача болакайнинг бирорта ҳам тиши чиқмаган бўлса, у ҳолда шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Балки унга кальций, фосфор ёки Д витамини етишмаётгандир. 11, 12 ойлик бўлган боланинг олтигагача, яъни иккита пастки ва тўртта юқори тиши чиқиши мумкин. Бироқ шуни инобатга олиш кераки, тиш чиқиш муддати бироз кечикиши ёки барвақтроқ бошланиши, тўрт мучаси соғ боланинг ҳам тишлари кечроқ чиқиши мумкин. Овқатдан кейин болага бир бўлак сабзи, олма, қотан нон берилса, булар милқини мустаҳкамлайди, қон айланишини яхшилайди, тишлар ўсишига ва соғлом бўлишига имкон беради.

Дастлабки пойабзал

Бола мустақил юра бошлагач, унга муносиб пойабзал танлаш керак. Кичкинтой пойабзалнинг пошчаси кичик, таг чарми юмшоқ, ўзи эса майин теридан тикилган бўлсин. Пойабзални ўлчаётганда бола тик турса, бутун оғирлиги оёққа тушиб, унинг ҳақиқий бўйи ва эзини билиш мумкин бўлади. Боланинг бармоқчалари бемалол қимирлаши учун пойабзал кенгрок бўлмоғи лозим. Таги ҳаддан ташқари силлиқ бўлмасин.

Илк айтилган сўзлар

Икки ой аввал: «ма» дея ниманидир уқтиришга уриниб наётган болакай, аста-секин «ойи», «бер», деган сўзларни айта бошлайди. Болажонларнинг илк тили чиққанда, «ойи», эмас, «дада», деб гапира бошлайди. Бундан она изтироб чекмаслиги керак, чунки бола «о» харфидан кўра, «д»ни осонроқ айтади.

Бола юриш ва гапиришни баравар эгаллай олмайди. Одатда, оёғи қаққон бола сўздан адашади, эрта гапира бошлагани эса сал кечроқ оёққа туради. Она миттивойнинг нутқ ва ҳаракат соҳасидаги ривожланиши бир текисда кетишини зийраклик билан кузатиб бориши зарур. Бир ёшга етганда бола 15-20 та сўзни аниқ айта олиши мумкин. Тушунишга келганда эса бундан кўра, кўпроқ сўзларни англайди. Бола билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, нарсалар номи, иш-ҳаракатни тушунтириш, қисқа ва оддий сўзларни айтишга ўргатиб бориш, нафақат боланинг нутқи, балки онгининг ўсишига ҳам ёрдам беради.

Агар у қўлини нарсасга чўзса, илтимосини бажаришга шошилмаслик, «Қани, беринг де-чи!» деб ўргатиш мақсадга мувофиқ. Болаларга расмли китобларни бериб, ундаги нарсалар номи: «а-йик», «му-шук», «уй-ча», «ку-ён», дея бўғинлаб айтиб ўргатиш лозим. Кейин эса суратни кўрсатиб, «бу нима?», «бу ким?» деб сўраб, миттивой нималарни эслаб қолганини текшириш мумкин.

Талаффуз чоғида болангиз лабларингиз қандай қимирлаётганини кузатиб турар экан, сизга у диққат билан қулоқ солади. Янги сўзларни эслаб қолишга ҳаракат қилади. Бироздан кейин эса, уларни ўзи такрорлайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

дан ортмайди. Фарзандлар эса кўнглидаги энг нозик сирларни дўстлари ва дугоналари билан ўртоқлашади. Ўзлари учун ибрат бўларли одамларни ҳам хонадон ташқарисидан қидира бошлашади. Натижада оилада кўзга кўринмас парокандалик юзага келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, энг аввало, ота-оналар ўз зиммасидаги масъулият ҳиссини чуқур англаб етишлари лозим.

Шерзод ТўРАБЕКОВ,
Қирай тумани 2-сонли
ДНИ нотариуси.

Тарбия



МУШУКЛАР УЧУН РОЯЛЬ

Буюк британиялик олимлар гуруҳи таникли ветеринар ва овоз муҳандислари билан ҳамкорликда антика рояль ясади. "Фақат мушуклар эшитади", деб номланувчи бу роялнинг қандай ишлашини намойиш этиш учун Лондонда мушуклар учун махсус концерт уюштиришди. Муסיқачи жониворлар учун "Бэкстрит Бойз" (The Backstreet Boys) гу-



руҳи репертуаридаги композициялардан бирини ва таникли реппер Жэй Зет (Jay Z) га тегишли асарни чалиб берди. Шунингдек, ушбу роялдан мушуклар учун "Келажакка қайтиб" фильмининг саундтреки ҳам янгради.

Ультратовуш — бу одамзотнинг эшитиш диапазолидан худудидан анча юқори частотадаги ҳаво тебраншидир. Бу частота соғлом одамларда одатда 20000 Гц ни ташкил қилади.

Мушуклар учун сараланган куйлар 64000 Гц гача бўлган частотада чалинди ва бундай диапазонни фақат шу жониворларгина баҳолай олиши мумкин. Баъзи мушуквойларга муסיқа шунчалик ёқиб қолдики, улар клавиатураларга сакраб чиқиб олишди ва у ёқдан-бу ёққа юришиб, ўз оҳанглари чала бошлашди.

ЭНГ УЗУН БИНО

Россиянинг Волгоград шаҳрида қад ростлаган турар-жой биносининг узунлиги 1400 метр бўлиб, 1140 хонадондан иборат. Маҳаллий аҳоли мазкур бинони "узун ичак" ёки "хитой девори" деб ҳам аташади. 1975-1979 йилларда қурилган тўққиз



қаватли уй ниҳоятда узун бўлгани боис, хонадонлар манзили иккита кўча ва тўққизта уй сифатида номланган ва рақамланган. Қизиги шундаки, шу вақтгача бундай уйнинг борлиги ҳақида кўпчилик билмас экан. Бу ишга мутахассислар киришгач, уй Венадаги 1100 метрлик турар-жой биносидан 300 метр узун эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, волгоградликлар бу борадаги рекордни янгилашди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

"Бахтли бўлинг"

сахифаси

КЕЧИРОЛМАДИМ, КЕЧИКДИММИ?

Ростини айтсам, ҳаёт мени жуда кўп синовлардан ўтказди. Севишиб, оила қурган турмуш ўртоғимнинг хиёнатидан сўнг, тушкунликка тушган пайтларимда ҳам бировдан мурувват кутмайдиган, ҳеч кимга ишонмайдиган бўлиб қолдим. Чунки бундай бўлиши мумкинлигини сира тасаввуримга сиғдира олмадим. Икки ойгина биргаликда кечган турмушимиз менинг хотирамга бир умрлик ҳасратларни юклаб қўйди. Эрим мени уйга олиб кетиш илнжиди, узр сўраб, кўп маротаба келди. Мен эса уни асло кечира олмадим...

Кейинчалик ишга шўнғиб кетдим. Куну тун тиним билмадим. Изландим. Ҳозирда пойтахтдаги нуфузли бир ташкилотда ишлайман. Мен тенги ҳамкасбларим ҳадемай куда-андалди бўлишади. Уларга ҳавас қиламан. Қайта оила қурганимда, балки ҳозир менда ҳам уларникига ўхшаган ширин ташвишлар бўлиши мумкин эди. Бироқ юрагимга буйруқ бера олмадим. Энди эса, назаримда, вақт жуда тез ўтаётганга ўхшайди. Бахтим калити ўз қўлимда, бунинг учун озгина курашсам, ҳаммаси яхши бўладигандай туюлади. Орзуларим рўёбга чиқса, деган ниятда сизларга мурожаат қилишни истайдим. **Ёшим 46 да.** Маълумотим олий. 55 ёшгача бўлган, иши, уй-жойи тайин, зиёли инсон учраса, турмуш қурмоқчиман.

САБИҲА,
Тошкент шаҳри.

КўНГЛИМГА МОС ЖУФТ ИЗЛАЯПМАН

Оилада кенжа фарзандман. Ака-опаларим оилани бўлиб, ўзларидан тиниб кетишган. Институтни тамомлаганимдан кейин ўз соҳам бўйича ишга кирдим. Нолимайман, топиш-тутишим ёмон эмас. Бир рўзгорни тебратишга қурбим етади. Аммо инсон ўз вақтида оила қурмаса, ҳар нарсадан кўнгли совиб, ҳаётнинг гўзаллиги қувончлари ҳам кўзига кўринмай қоларкан. Фақат, илтимос, бу гапларимни ношукрликка йўйманг. Иш юзасидан гоҳ Тошкентда, гоҳида Сурхондарёда бўламан. Ишдан чарчаб келганимда очик чехра билан кутиб олгучим йўқлиги билинади. Ота-онам кексайиб қолишган. Улар энди менинг ташвишимни ўйлайдиган аҳволда эмас. Опаларим: "Кўз остингга олганинг бўлса, айт", дейишдан уёғига ўтишмайди. Кўнглимга мос жуфтни тополмаётганим учун охири сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим. **Ёшим 30 да.** Ичиш-чекиш каби зарарли одатлардан холиман. Сариштали, уйим-жойим дейдиган қизлар учраса, хабар берсангизлар.

АЗАМАТ,
Сурхондарё вилояти.

АММАСИДАН МЕҲР КўРГАН

Хумайра кенжатай жияним. Акам раҳматли сўнги манзилга кетар чоғида: "Келиноинг билан қизларимни сенга ишондим. Холдан хабар олиб тур, улар ҳаётда ўз ўрнини топиши керак", дея васият қилганди. Ёлғизгина акамдан ажралиб қолганимиздан кейин бир йил ўтиб, келиноим бошқага турмушга чиқиш нияти борлигини айтди. Кутилимаган бу вазиятда нима қиларимни билмай қолдим. «Акам сизларни менга ишониб кетган, ундай қилманг» деса, «Каттасини узатганман, кичигини сиз тарбиялай қолинг», дея гапида туриб олди. Шундан кейин Хумайрани уйимга олиб кетдим, ўз фарзандларим билан катта бўлди. Турмуш ўртоғим яхши инсон. Унинг кўнглига қараб, меҳрибончилик қилди, ўқситмади. Шундай бўлса-да, жияним доим ота-онасини эслаб, кўп эзилади. **Ҳозир 26 ёшда.** Уйимизга икки-уч маротаба совчилар келишди. Аммо улар маҳалладаги аёллардан: "Аммасининг қўлида ўсган экан", деган гапни эшитиб, иккиланиб кетишяпти. Хумайра оғирбосиқ, камтарин, сариштали. Ҳаётни тушунган, қалби тоза, меҳрибон йигитлар бўлса, манзилимизни берсангиз.

ИРОДА опа,
Фаргона вилояти.

УМР САВДОСИ ОФИР ЭКАН

— Мумкинми, "Бахтли бўлинг" бўлишимми?
— **Худди шундай, келинг, хизмат!**
— Ёшинг ўтган сари ёлғизликда яшаш қийинлашиб боравераркан. Буни сезган фарзандларим: "Дада, сизга ҳамроҳ керак, уйланинг", дейишяпти. Яқинда бир дўстимга бу ҳақда сўз очсам, "Оила ва жамият" газетасига бориб учраш-чи, зора, сенга ёрдамлари тегиб қолса, деб маслаҳат берди.

— **Аввал ўзингизни таништирсангиз.**
— **Ёшим 60 да.** Уч қиз ва икки ўғлим бор. Ҳозир пенсиядаман. Ҳовли-жойларимиз етарли. Кенжа ўғлимни келаси йил уйлантириш ниятидамиз. Аёлимнинг дунёдан ўтганига кўп бўлди. Шу пайтгачаям қариндош-уруғлар бир неча аёлларни топишди, уларнинг талаблари тўғри келмади.

— **Қандай талабларни кўйишди?**
— У ёғини айтаверайми, яна мени хасис одам экан деб ўйламанг, қизим. Албатта, ёш бўлсам экан, ҳар хил баҳоналарга ишониб кетаверсам, бирови ўзимиз яшаб турган уйни номига ўтказиб беришимни, бошқаси эса чиқармаган қизининг тўйи харажатларига деб катта миқдорда пул сўраса бўладими? Шуюм инсофданми энди?

— **Хўш, отахон, сиз қандай аёлга уйланмоқчисиз?**
— Имкони борича, фарзандларидан тинган бўлса яхши бўларди-да. Иймон-эътиқодли, меҳрибон аёл учраса дегандим. Қайси вилоятдан эканлигининг аҳамияти йўқ. Нимасини айтасиз, умр савдоси қийин экан-да.

ШАРОФ ота,
Тошкент вилояти.

ҚИЗНИНГ ЙўРИГИ ҚИЙИН-ДА

— Ассалому алайкум, Бухородан кўнғироқ қилаяпман. Исми Лайло.

— **Лаббай, сизни эшитамиз.**
— Онамнинг вафот этганига ўн йилдан ошди. Дадам бечора бизларни ўйлаб, "Қизларимни ўқитиб қўймайман, ўғай она қўлида қолишмасин", деб қайта уйланмади. Холаларим бизникига келиб, сингилларимдан хабар олиб туришарди. Ҳозир улар оилани, икки-уч нафардан фарзандлари бор. Бизни хавотирга солаётган нарса шуки, дадам кейинги пайтда тез-тез касал бўлиб қоляпти, бизлар — уч қиз навбатманавбат иссиқ-совуғига қарашиб турибмиз. Афсуски, ака ё укамиз йўқ, бўлганида, отамиз бу даражада қийналмасди. Қизнинг йўриги қийин экан.

Дадамнинг **ёши 70 да.** Бир неча марта даволатдик. Ёлғизланиб қоляни учунми, тез асабийлашиб кетади. Яқин дўстлари у кишига уйланиши кераклигини, бу аҳволда қийналиб қолишини бир неча марта айтишяпти. Нима қилайлик, кўнмаяпти. Ҳозир катта ховлида бир ўзлари яшяпти. Ҳамма шароитлар бор, фақат қўли гул, савобталаб меҳрибон аёл топилиб, дадамизнинг кунларига яраса, дуоларини олса, биз рози эдик.

ТАҲРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН

ТЕЛЕФОН:

(8-371)234-25-46

ЭРКАЛАШ — ТАРБИЯЛАШ ЭМАС-КУ!

Бешик билан тобут орасидаги ма-софани ҳаёт йўли деб атайдилар. Биров хайрли ишлари билан бу йўлда чиroyли излар қолдиради. Яна биров адашиб, ўз йўлини тополмай тентирайди. Ўзининг нолайиқ хатти-ҳаракатлари орқали бахт саройини зулмат булутига ўраб қўяди. Сўнг эса бу қоронғилик бағрида яланг оёқларига ҳаётнинг аёвсиз тиканлари кириб азоблайди, қийнайди. Бу азоблардан биров керакли хулоса чиқариб, ёруғлик бағрига отилади. Яна биров эса...

Ҳар иккала ҳолатда ҳам тарбияли бўлиш инсон ақл-заковатига боғлиқдир. Маълумки, бир ўтдан илон захар тайёрлайди, сигир эса сут. Шунинг учун ҳар бир туғилажак фарзанднинг ҳаёт замирида тарбия деб аталган улуг бир сабоқ ётади. Нега одамзод ҳамма нарсани кўра-била туриб, ўзини ҳалокатга бошлайди? Оқибатини ўйлаб кўришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ваҳоланки, бирор бир хунук воқеа бўлгач, ўзини нечоғлик католикка йўл кўйганини англайди. Афсуски, бу вақтда анча кеч бўлади. Шу маънода бола бошидан деган гапнинг нақадар тўғри ва ҳикматга бой эканлигини тушунади.

Бола тарбиясида, асосан, ҳаёт сабоқларидан шуни англаш керакки, фарзанд энг асосий тарбияни онадан олади. Бежиз «Онасини кўриб, қизини ол», деб айтилмаган. Бу каби миллий урф-одатларимиз неча-неча аср-

лар синовидан ўтиб келаётган бой аъналаримиздир.


...Бир одамнинг уйига меҳмон келибди. Овқатланиб бўлишгандан сўнг



эр хотинига тарвуз олиб келишини буюрибди. Келтирилган тарвузлари ёқмабди шекилли, уч мартаба қайтариб, бошқасини олиб кел, деб буюрибди. Меҳмон кетганидан сўнг ҳалиги эркак ошхонага кириб қараса, биронта ҳам тарвуз йўқ эмиш. Буни қарангки, уддабурон аёл битта тарвузни ичкарига уч марта ҳам айлантириб олиб кираверган экан...

Бошқа, тушунмаган хотин бўлсачи, қандай йўл тутарди: уйимизда бундан бошқа тарвуз йўқ-ку, нега овора қиласиз, дея эътироз билдириши ҳам мумкин эди. Оқила аёл эрининг сўзини икки қилмай, уч бора кўнгилни олган.

Бир дўстимнинг аёли маҳаллада маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Уч келини билан катақдек ҳовлида бир этак неваралар қуршовида тинч-тотув



яшаб юришибди. Ёнидаги девордармиён кўшниси эса хайҳотдек ҳовлига бир ўғли билан келинини сиғдирмайди, ҳар куну жанжал. Демак, ҳалол ва тўғри яшашнинг йўли биринчи навбатда оқилона тарбия топиш бўлса, иккинчиси, феъл-атворнинг кенглигига ҳам боғлиқ экан.

Яна бир аёлни биламан, ўзи педагог, болалар тарбиясига жиддий қарайди. Кўп бора кузатганман, фарзандларини тўплаб, ҳамма танбеҳ-насихатларни айтиб бўлганидан сўнг: "Тўхтаб туринглар, дадангиз келсин!", деб кўшиб ҳам қўяди. Аслида оталари тирикчилик, рўзгор ташвишлари билан банд бўлса-да, бу уддабурон аёл болалари онгида шундай кўникма пайдо қилганки, улар барибир онамиздан ҳам дадамик зўр, талбирли экан, деб оталарига кулоқ солишга ҳам мажбур бўлади. Ана сизга тарбиянинг яна бир чиroyли йўли!

Баъзи оналар фарзандининг нолайиқ хатти-ҳаракатини отасидан имкони борича яширишга уринади. Уйга кечроқ келиб қолса, "Қир-қир, даданг билиб қолмасин", дейди. Аслида ана шу она отадан боласининг қилиб юрган қилмишларини яшириб, хатога йўл кўйганини кечроқ англайди.

Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. Ота-она ҳамжиҳатлиги бола тарбиясида яхши самара беради. Ўғил-қизинг тарбияли бўлса, қаддингни тик тутиб юра оласан. Ҳар биримизга ана шундай бахт насиб этсин!

Олим ИШМУРОДОВ,
Каттақўрғон педагогика
коллежи ўқитувчиси.
Самарқанд вилояти.

РЕКЛАМА

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қадрли Жўраева Зулхумор
Ҳайдаровна!

Сизни тавал-
луд кунингиз бил-
лан чин дилдан
табриклаймиз.
Узоқ умр, си-
ҳат-саломат-
лик тилаймиз.
Юз билан юзла-
шиб юринг.



Оиламиз, қариндошлар, ёру
дўстлар бахтига омон бўлинг.

Ҳурмат билан оила
аъзоларингиз.
Тошкент шаҳри.

Ҳурматли Мавжуда
Рустамбекова ҳамда
Башорат Убайдуллаева!

Сизларни табаррук — 88
ҳамда 94 ёшларингиз билан му-
боракбод этамиз. Яратгандан
узоқ умр, сиҳат-саломатлик
тилаймиз. Фарзандлару невараче-
варалар бахтига соғ-омон
бўлиб, саодатли кунлар роҳати-
ни кўриш насиб этсин.

Ҳурмат билан Зулхумор
Жўраева, Йўлдош ака Эргашев
ҳамда ўғиллари.

РЕКЛАМА

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Йўловчи транспортнинг барча тур-
лари ҳаракатини лицензиялаш ва
мувофиқлаштириш Департаменти
томонидан 16.08.2013 йилда Саби-
тов Саидагазам Абидович номига
берилган №003339-рақамли гувоҳ-
нома йўқолганлиги сабабли БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқар-
маси томонидан Қибрай тумани,
Ўнкўрғон ҚФЙ, Гулистон маҳалласи-
да жойлашган «Саъдулла ота» жоме
масжидига 2001 йил 27 декабрда
берилган №252-сонли гувоҳнома
ҳамда низоми йўқолганлиги сабаб-
ли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Ультратовуш ташхиси (УЗД)
- Терапевт. ЭКГ.
- Медисон X 6 аппаратида
доплерография.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Физиотерапия.
- Гинеколог
- Муолажа хонаси.
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.

РЕКЛАМА

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешёғоч даҳаси. 1-уй
Мўлжал: "Истиқлол" санъат саройи яқинида.
E-mail: umid_va_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия № 1255-00 Берилган сана: 26.03.2012 йил

Қашқадарё
вилояти Нишон
тумани
тиббийёт
бирлашмасига
қарашли, қирқ
уринга
мўлжалланган
Таллимаржон
шаҳар
шифохонасида
малякали



тиббийёт ходимлари халққа беминнат хизмат кўрсатиб
келишмоқда.

Шифохона бош врач Хушвақт Хонназаровнинг
таъкидлашича, 200 қатновга мўлжалланган поликлиника
биноси яқинда қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфага эга бўлди.
"Тез тиббий ёрдам" бўлими 12 минг нафар аҳолига хизмат
кўрсатади.

ТАЛЛИМАРЖОН ШАҲАР ШИФОХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни ҳамда соғлиқни сақлаш
ходимларини Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун билан чин
қалбдан муборакбод этади!

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарини қўлаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар
муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмуни учун
тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —
5602. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12 45